

Эшмуродов О.Э.
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
“Психология” кафедраси катта ўқитувчиси
Термиз давлат педагогика институти

ОИЛА МУСТАҲҚАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОҒЛОМ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУҲИТНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада оила мустаҳқамлигини таъминлашда соғлом ижтимоий психологи муҳитни ўрни ҳақида гап борган.

Калит сўзлар: оиала, соғлом ижтимоий психологик муҳит, тарбия, дунёқараш.

Eshmurodov O.E.
Doctor of Philosophy (PhD) in Psychology
Senior teacher of the "Psychology" department
Termiz State Pedagogical Institute

THE ROLE OF A HEALTHY SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL ENVIRONMENT IN ENSURING FAMILY STRENGTH

Abstract: the article discusses the role of a healthy social psychological environment in ensuring family stability.

Key words: family, healthy social and psychological environment, education, outlook.

Шахс ривожланиши ва унинг ижтимоийлашуви, аввало, ижтимоий омиллар таъсири остида кечади. Ундаги асосий рол эса оилага тегишли. Оила шахслараро муносабатларнинг бутун бошли мажмуаси, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро ҳаракати сабаб боланинг жисмоний,

рухий ва ижтимоий ривожланиши учун энг қулай шароитни яратиб беради, унга маънавий қадриятлар, ахлоқий меъёрлар, анъаналар, хулқ намуналари ва мулоқот усуллари тизимини тақдим этади.

Инсон оила таъсирини бутун ҳаёти давомида ҳис этади, шунинг учун оиланинг тарбиявий таъсири узлуксизлиги ва давомийлиги билан тавсифланади. Оиланинг болага нисбатан тарбиявий таъсирининг барқарорлиги унинг ўқув, меҳнат, ижтимоий фаоллигига таъсирида ўз аксини топади. Мазкур омил никоҳнинг умумий барқарорлиги ва мустаҳкамлиги ҳолати билан чамбарчас ва кўп жиҳатдан боғлиқ. Яъни, агар оила мустаҳкам бўлса, унинг тарбиявий муҳити ҳам барқарор бўлади, бундай муҳитда камол топадиган фарзанд тарбияли, хулқи намунали бўлади.

Демак, психологик жиҳатдан оилавий муҳитнинг қандайлигига қараб икки шахс ўртасидаги никоҳнинг мустаҳкамлигига баҳо бериш мумкин. Бу оила аъзолари ўртасида самимий ўзаро муносабатларни ривожлантирувчи ёки аксинча уларнинг яхши кечишига тўсиқ бўлувчи шарт-шароитлардир. Психологик муҳитнинг яхши - қулай ёки ёмон - ноқулай типлари фарқланади. Қулай психологик муҳит замирида эр-хотин дунёқараши, фикрлар тарзлари, феъл-атворининг бир-бирига мос келиши ётади. Оила, мактаб ва маҳалларадаги носоғлом психологик муҳит ва оилавий тарбияда йўл қўйилаётган хатоликлар ҳамда таълим жараёнида кузатилаётган нуқсонлар, болалар ва ўсмирлар яшаётган маҳаллалар ҳаёти, уларнинг психологик муҳити вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказади.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, инсон одобли ёки одобсиз, олижаноб ёки эгоист, жиноятчи ёки соғлом хулқли бўлиб тўғилмайди. Шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар ва установкалар, шахснинг ижтимоий турмуш фаолияти, уни қуршаб олган объектив шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Ушбу шарт -

шароитлар ва объектив муносабатлар характери индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Демак айтиш мумкинки, шахс хусусиятларининг шаклланиши нафақат инсон организмнинг наслий хусусиятларига, балки энг аввало у алоқада бўлган ижтимоий муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий турмуш шарт–шароитлари провард натижада инсон хулқ-атворининг шакл ва тамойилини белгилаб беради.

Маълумки, вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқиши ва ижтимоий муҳит ўртасида ўзига хос таъсир доираси мавжуддир. Ушбу ўзаро таъсир механизми назаримизда уч хил кўринишда намоён бўлади.

Биринчидан, носоғлом ижтимоий муҳит билан шахснинг ўзаро алоқалари ўсмирларда ижобий қарашларнинг салбийлашувига олиб келса, иккинчидан, шахс ва носоғлом ижтимоий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа кишига ижтимоий меъёрларга тўғри келмайдиган муайян йўл-йўриқни, хусусан ғайриқонуний вазифаларни бажариш бўйича ролларни тақсим этади. Учинчидан эса ғайриқонуний йўл-йўриқлар ва роллар тақсимооти ўсмирда аста-секин ижтимоий муҳит талаб ва меъёрларига нисбатан деформациялашувнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу деформациялашув шахс хулқида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий муҳитга нисбатан деформациялашув поғонасида бўладилар.

Кузатишларимизга қараганда, хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий фойдали машғулотларда қатнашмайди, газета, журнал ёки бадий адабиётлар ўқишмайдилар. Ўқиганларида ҳам ўзига хос қизиқишлар (расмлар, суд материаллари, эълонлар ва бошқалар) билан чекланадилар. Уларда театрга тушиш, дарслик ва бадий китоблар ўқиш бўйича кўрсатгич даражаси анча пастдир. Аммо кинотеатр, видеобар, дискотекларга қатнашиш даражаси

анча юқорилиги кузатилади. Ушбулардан кўринадики, ижтимоий фойдали машғулот билан шуғулланиш, китоб, газета ўқиш, театрларга бориш ўсмирларда ижтимоий фойдали, ижобий позицияларнинг ва установкаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Аксинча ҳолатларда эса болалар ва ўсмирлар хулқида салбий позиция ва установкаларнинг шаклланишига имконият яратилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари ва шарт-шароитларнинг ўсмирларга таъсир этиши улар хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради. Агарда ижтимоий муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва шарт-шароитлар ўсмирга ижобий таъсир этса, ўсмир хулқида ижобий хислатлар, аксинча ҳолатларда эса салбий хислатлар, ғайриқонуний установкалар шаклланади.

Биринчидан, қандай оила бўлишидан қатъий назар, йигитлар қизларга нисбатан айнан ўсмирлик ёшида ўзгалар томонидан қўллаб-қувватланишга кучлироқ эҳтиёж сезади, чунки бу даврда ўзига хос “катталиқ ҳисси” пайдо бўлишига қарамай, улар ўзгаларнинг психологик мададига муҳтожроқдир. Лекин бу ҳолат кўпроқ нотўлиқ оила йигитларига хос эканлигини ҳам эътироф этиш лозим. Чунки носоғлом оиладаги қизлар ва йигитлар маълумотларига эътибор берсак, юқори балл олган қизларнинг (20,7 балл) 48,4 фоизи ва ўғил болаларнинг 46,5 фоизи юқори балл (19,6 б.) тўплаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, носоғлом муҳитли оилаларда тарбияланаётган йигитлар ўз хато ва камчиликларини яширишда ота-она унга суянч ва таянч бўлишни ният қилгани билан ўзгаларнинг қўллаб-қувватловига кўпроқ муҳтожлигини намоён қилганлар.

Иккинчидан, ўртача кўрсаткичларда қўллаб-қувватловга муҳтожликни намоён этганлар умумий танловда аксариятни ташкил этишига қарамай (35,8%), бу борада ҳам носоғлом муҳитли оила вакиллари бўлган йигитларнинг кўрсаткичлари ҳамманикидан юқорироқ (45,2%). Демак, бу ҳолат ҳам яна бир маротаба носоғлом муҳитли оиладаги ўсмир

ўғил болаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватловга бошқаларга нисбатан кўпроқ эҳтиёж сезишини исботлаб турибди.

Учинчидан, қизлар ҳақида фикр юритиладиган бўлса, икки тоифа оила вакилаларида сезиларли фарқлар кўзга ташланганлиги носоғлом муҳитли оила қизлари ижтимоий қўллаб-қувватловга кўпроқ муҳтож эканлиги кўринади. Масалан, бу тоифа қизларнинг фақат 15,8 фоизигина паст кўрсаткичдаги мотивацияни намоён қилган, уларнинг тенгқурларида эса бундай мотивация 40,9 фоизни ташкил этган. Бундай ҳолат носоғлом муҳитли оила вакиласи бўлмиш қизларнинг кўпроқ мустақилликка интилиши ва намоён этишининг белгисидир, деб хулоса қилишга асос беради. Демак, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўғил бола қизларга нисбатан оилада ота-онанинг қўллаб-қувватлашини айнан ўсмирлик даврида кўпроқ истайди. Бундай хоҳиш бизнингча, балоғат ёшига ўтганда ўзгариши мумкин. Яъни, қўллаб-қувватловга нисбатан мотивациянинг кучи амалда шахснинг ўзига нисбатан ишончи ортиши билан тўғри пропорционалдир.

Демак, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўғил бола қизларга нисбатан оилада ота бўлишини айнан ўсмирлик даврида кўпроқ истайди. Бундай хоҳиш бизнингча, балоғат ёшига ўтганда ўзгариши мумкин. Яъни, қўллаб-қувватловга нисбатан мотивациянинг кучи амалда шахснинг ўзига нисбатан ишончи ортиши билан тўғри пропорционалдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, танловда камраб олинган ўсмирлик ёшидаги йигитларнинг жавоблари юзасидан қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1) соғлом муҳитли оила вакиласи бўлган йигитлар ва қизларнинг ҳиссий-эмоционал муносабатларнинг яқин бўлиши, умумий дўстларни ҳам барча оила аъзолари томонидан эътироф этилиши, оила аъзолари биргаликда хордиқ чиқаришда бамаслаҳат қарорлар чиқариши кабиларни муҳим кадрият, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи томондан, улар жавобларида

оилада лидер бўлмаслиги, унинг борлиги ҳеч кимга билинмаслиги кераклиги, оилавий роллар вазиятга қараб ўзгарувчан бўлишини ёқлайдилар;

2) соғлом муҳитли оиладаги йигитлар учун эса энг муҳим қадриятлар қаторида ўзаро бир-бирларини тушуниш, ҳиссий яқинликдан ташқари, оила аъзолари биргаликда қарорлар қабул қилишлари (яъни, қарорлар қабул қилишда ота-она фарзандларининг қизиқишлари билан ҳисоблашиши), дам олишни ташкил этишда ҳам ҳамфикрлилик бўлиши тарафдоридир. Лекин улар қизлардан фарқли оилада тартиб-интизом бўлиши, унда барчанинг фикри инобатга олиниши кераклигини ёқлаганлар. Лидерлик эса ҳамيشа оила аъзолари томонидан аниқ билиниши, унинг ўзгариши «баъзан» ёки «ҳеч қачон» бўлиши кабиларда анъанавий, консерватив фикрларнинг тарафдори эканликларини кўрсатдилар;

3) носоғлом муҳитли оиладаги қизларга нисбатан оптимизм маъносида сал орқада, улар, масалан, оила аъзолари доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлашларини истайдилар, ҳиссиётлилик борасида яқин бўлиши керак деб ҳисоблаган ҳолда, оила лидери ўзгариб туришини унчалик тасаввур қилмайди, «баъзан» бунга йўл қўйиш мумкин. Ёки бу гуруҳнинг фикрича, бирор қарорга келишда унинг турлича ечими бўлиши мумкин эмас, болани жазолашда катталарнинг ўзлари қарор чиқариб қўйиши мумкин, бўш вақт тақсимоотида ҳам иккиланиш белгилари бор. Муносабатларнинг эгилувчанлиги борасида ҳам фикрлар жуда тарқоқ, ушбу гуруҳнинг баъзи аъзолари оиладаги қатъий интизом тарафдори бўлса, бошқалари, бунинг аксини белгилаганлар. Уларнинг аксарияти боланинг мустақил фикрлашини ҳам иккиланиш билан белгилаган.

4) носоғлом муҳитли оилада тарбияланаётган ўсмир йигитлар фикрлари қизларникига нисбатан анчагина оптимистик, чунки улар айнан кўпроқ демократик тамойилларга суянган оилавий ўзаро муносабатларни

хоҳлайдилар. Чунки уларда ҳаттоки, лидерлик масаласида, ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, оиладаги назорат ва болага жазо бериш масалаларида ўзига хос муносабатлар кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. О. Э. Эшмурадов “Оиланинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятлари”

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2
| ISSUE 5 | 2021

ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
1082-1085 бетлар

2. О. Э. Эшмурадов “Оила барқарорлигини шакллантириш омиллари”

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
VOLUME 1 | ISSUE 4 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF
2021: 5.423 2021-йил май 1318-1323 бетлар

3. О. Э. Эшмурадов “Оилавий муҳит ва оилавий муносабатлар психологиянинг ўрганиш предмети сифатида” “ЎЗМУ хабарлари” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали 2019 йил 1/6/1-сон. 162-164 бетлар

4. О. Э. Эшмурадов “Ўзбек никоҳ-оила муносабатларининг тарихий ва ижтимоий психологик талқини”
Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари
илмий-назарий журнал 2020 йил 8-сон 147-152 бетлар